2001 ЙИЛ 13 март, СЕШАНБА

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Qishloq HAYOTI

№ 29 (6.242). Сотувда эркин нархда

## БУГУНГИ СОНДА:

**"ТУЯ КЎРДИНГМИ..."**

*Халқ хўжалигида ислоҳотлар тобора кенгайиб, чуқурлашмоқда. Бу солиқ ходимларининг ҳам тинмай изланишларини, ўрганишларини тақозо этади. Вахоланки, ўтказилган синов натижаларига кўра туман солиқ инспекцияси ходимлари вилоятда етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Айни пайтда солиқ ходимларининг масъулиятини янада оширяпмиз.*

**(2-саҳифада)**



**МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИ**

*Шанба куни мамлакатимизнинг кўпгина шаҳарларида Х миллий чемпионатнинг байроғи кўтарилди.*

**(4-саҳифада)**

**"САДАҒАНГ КЕТАЙ, ВАТАН!.."**

*Самолёт Тошкент аэропортига қўниши билан ҳамма эшитсин деб овоз чиқариб: "Тупроғи зар Ватаним, садағанг кетай!" дедим ва уйдагиларга Қувайт мевасидан совға олиб бориш учун Чорсу бозорига йўл олдим.*

**(1-3-саҳифаларда)**




**● Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов номига Қурбон ҳайити муносабати билан Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев, Марокаш Подшоҳи Муҳаммад Олтинчи, Яман Республикаси Президенти Али Абдулло Солиҳ, Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, Миллий гвардия бошлиғи Абдуллоҳ бин Абдулазиз ас-Сауд, Бирлашган Араб Амирликлари Вице-Президенти ва Бош вазири Шайх Мактум бин Рошид ал-Мактум, Туркия Республикаси Бош вазири Булент Эжевит, Қувайт Давлати Валиаҳди ва Бош вазири Саъд ал-Абдуллоҳ ас-Салим ас-Сабоҳлар самимий табрик йўллашди.**

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди.

**● Осиё тараққиёт банкининг пойтахтимиздаги ваколатхонасида Ўзбекистонда кам таъминланган оилалар турмушини яхшилаш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича мазкур банк ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан ҳамкорликда тайёрланаётган лойиҳага бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

● Наманганда вилоят прокуратурасининг ташаббусига кўра деҳқон хўжаликлари эгалари, агросаноат мажмуи бўлинмалари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар, солиқ хизмати, банк тузилмалари раҳбарлари иштирокидаги йиғилиш бўлиб ўтди.

**● Навоий вилоят «Пилла» акциядорлик бирлашмаси тизимидаги хўжаликлар баҳор келиши билан янги ҳосилга замин тайёрлашга киришди.**

● Жалолқудуқ туманидаги Алимайдон қишлоғида камқонлик хасталигига учраган болалар учун махсус интернат фойдаланишга топширилди.

**● Наманганда «Намқоғоз» қоғоз ишлаб чиқариш фабрикасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

● Хоразмда ёш миллий мумтоз ва халқ қўшиқлари ижрочилари вилоят кўрик-танлови якунланди. Танлов ғолибаси деб топилган Ш.Алимовага бош соврин -Ҳумо қушининг ҳайкалчаси ва 100 минг сўм миқдоридаги пул мукофоти топширилди.

**2001 ЙИЛ – ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ**







**Хоразм вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан Урганч шаҳридаги 320 ўринли вилоят болалар шифохонаси замонавий талаблар даражасида қайта таъмирланмоқда. Вилоятдаги бир қатор қурилиш ташкилотлари, завод ва корхоналар, саховатпеша фермерлар, тадбиркор инсонлар ушбу хайрли юмушга баҳоли қудрат ўз улушларини қўшмоқдалар. Шу сабабдан ҳам шифохонада таъмирлаш ишлари тобора жадаллашяпти. Қурувчиларнинг мақсадлари мазкур шифо масканини Наврўз байрамигача фойдаланишга топширишдир. Айни пайтда асосий юмушлар ниҳоясига етказилиб пардозлаш ишлари давом эттирилмоқда.**

**СУРАТЛАРДА: "Уста Даврон" фирмаси прораби Рўзмат Искандаров, тажрибали усталар Мурод Бойжонов, Комил Сафоев ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Светлана Цойлар галдаги вазифаларни муҳокама қилишмоқда; таъмирловчи уста Владислов Бобожонов; шифохонада таъмирлаш ишлари қизғин.**

Бахтиёр ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

# ИЧКИ ШАРТНОМА – ИСЛОҲОТ ИБТИДОСИ

***Чигит экишга тайёргарликнинг қандай бораётганлиги ва бошоқли дон парвариши, уни саранжомлаб олишда ишлатиладиган техника воситаларини мавсумга ҳозирлаш масалаларига бағишланиб куни кеча ўтказилган республика миқёсидаги сим орқали кенгашда Агросаноат мажмуидаги бир қатор қимматли тажрибалар тилга олинди. Хусусан, Қашқадарё вилоятида кейинги пайтда амалга оширилган икки тажриба диққатга сазоворлиги алоҳида таъкидланди. Бу вилоятда хўжаликлар билан ижарачилар, фермерлар ўртасидаги шартномаларни пишиқ-пухта қилиб тузиш, уларда ҳар икки томоннинг ҳуқуқий жиҳатларини тўла қамраб олиш бўйича эътиборга лойиқ натижага эришилди. Вилоят ҳокимлиги, мутасадди ташкилотларнинг мутахассислари шу соҳадаги барча масалаларни атрофлича ўрганиб чиқиб, уларнинг ечими шартномада акс этиши учун тўрт ой давомида изчил иш олиб бордилар ва бу ҳужжатнинг мукаммал бўлишига эришдилар. Қашқадарёдаги яна бир ибратли иш – ширкатлар, бўлимлар ва фермер хўжаликларига оби ҳаёт тақсимланадиган жойларга сув ўлчагичлар ўрнатилди. Эндиликда ҳар бир хўжалик ўзи учун ажратилган сувни олишга ва ундан тежаб-тергаб фойдаланишга ҳаракат қилади.***

***Қуйида Қашқадарё вилоятидаги бир хўжалик – Касби туманининг "Қашқадарё" ширкат хўжалиги мисолида ички шартномалар қандай самара бераётганлиги ҳикоя қилинади.***

-Бултур деҳқончилик учун йил оғир келди,- дейди хўжалик бошқаруви раиси Мукаммил Мираков. –Табиат деҳқонларимизни яна бир бор синовдан ўтказди. Туманда пахта етиштириш режаси бажарилмади. Бу гапларни юрагим ёниб гапиряпман.

Хўжалигимизда бултурги оғир шароитда давлатга пахта сотиш шартнома режаси ортиғи билан бажарилди. Хирмонга тўкилган пахта 7771 тоннани ташкил этди. Ҳосилдорлик 28 центнердан ошди. Пахтачиликдан олинган даромад 421 миллион 801 минг сўм бўлди. Олинган соф фойда кескин кўпайди. 1999 йилда 7 миллион 759 минг сўм соф фойда олинган бўлса, бу рақам бултур 39 миллион 143 минг сўмдан ошди.

-Ютуқларнинг сир-асрори нимада, деб ўйлайсиз?

-Ҳамма гап шундаки, бизда ҳисоб-китоб тўғри йўлга қўйилган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, хўжалик билан ижарачилар ва фермерлар ўртасида шартнома тузилганлиги катта фойда бераяпти. 168 ижарачининг ҳар бирига 10 гектардан тортиб 23 гектаргача ер майдони ажратиб берилган. Икки ўртадаги келишувга биноан кимдир пахта етиштиради, кимдир ғалла экади. Шартномада ижарачи амалга оширадиган вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилган. Масалан, у ёки бу ижарачи билан ҳар гектар майдондан олиниши керак бўлган ҳосил ҳақида сўз боради. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, икки ўртадаги шартномада

**ЖАРАЁН**

хўжалик томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам кўрсатилган.

Ижарачи ҳар гектар майдон учун қанча тонна ўғити олиш керак? Экинга неча марта сув қуйилади ва ҳар бир суғоришга қанча кубометр сув берилиши керак? Ёки унга қачон ва қандай техника ёрдами кўрсатилади? Хўжалик бу каби шартларни бажарган тақдирда шартнома кучга киради. Шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда хўжалик ижарачига "жарима" тўлайди. Бордию, ижарачи шартномада кўрсатилган шартларни бажара олмаса, у ҳолда унга нисбатан ҳам тегишли чора-тадбир белгиланади. Биринчи марта огоҳлантирилади, иккинчи бор хатога йўл қўйилса, "жарима" тўлайди.

Шу ўринда Шерали Қаршиев деган ижарачимиз ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бу киши бултур 13 гектар майдонга чигит экканди. Шартномага кўра ҳар гектар майдондан 30 цетнердан ҳосил олиш керак эди. Натижа нима бўлди? Бу ижарачимиз ҳар гектар майдондан 44,6 центнердан "оқ олтин" йиғиштириб олди. Хирмонга тўкилган ҳосил 58 тоннадан ошди. Қаранг-да, режадагидан 19 тонна кўп ҳосил йиғиштириб олинганлиги кимни қувонтирмайди, дейсиз. Натижада, хўжаликка 3 миллион 278 минг сўм даромад келтирди. 9 кишидан ташкил топган азаматларнинг ўртача бир ойлик иш ҳақи 25 минг сўмдан кам бўлмади.

**(Давоми 3-бетда)**

# БАҲОРГИ ЭКИШГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

***Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида чигит экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш ва ғалла парваришини янада жадаллаштириш масалаларига бағишланган сим орқали кенгаш бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, туманлар ҳокимлари ҳамда мутасадди вазирлик, қўмита, корпорация, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, ҳудудий қишлоқ хўжалиги тайёрлов корхоналари ва хўжаликлар раислари иштирок этди.***

Мулоқотни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Таъкидландики, ўтган йили минтақамизда об-ҳаво ноқулай келганига қарамай, кўпгина хўжаликларда пахтадан ҳам, ғалладан ҳам режада белгиланганидек ҳосил олишга эришилди. Ҳатто республика пахтачилиги тарихида илк бор сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ белгиланган ҳосилни йиғиб-териб олган хўжаликлар бўлди.

Шу билан бирга, айрим вилоятларда деҳқончиликка жиддий эътибор қаратилмади. Баъзи хўжаликларда етиштирилган пахта 10-15 центнерга ҳам етмади. Мутахассислар бунинг асосий сабаби агротехника тадбирлари ҳамма жойда ҳам бирдек ўз вақтида сифатли ўтказилмаганлигида, деб қарамоқда. Ваҳоланки, шундай хўжаликларнинг раҳбарлари об-ҳавонинг қуруқ келиши оқибатида сув танқислигига дуч келинганини баҳона қилиб кўрсатмоқда.

Шуни ҳам рўй-рост айтиш керакки, умуман пахтачиликда талайгина хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Бунга биринчи навбатда ерни шудгорлаш, ўғитлаш, шўр ювиш, чигит экиш, техникани тайёрлаш ва ғўза навларини жойлаштиришдаги хўжасизликни мисол келтириш мумкин. Шу боисдан жойларда плёнка остига чигит экиш топшириғи бажарилмади, экиш муддати эса асоссиз равишда 10-15 кун чўзиб юборилди. Натижада ўнлаб туманларда юзлаб гектар майдонга чигит экилмай қолди.

Ўтган йили уруғлик, ўғит, ёнилғи, сув, айниқса, ернинг талон-тарож қилиниши ҳоллари кўпайгани ҳам кам ҳосил олинишига сабаб бўлди. Масалан, биргина Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида - 330, Жиззах туманида - 259, Зарбдор туманида - 220, Арнасой туманида - 109 гектар майдонга чигит ўрнига полиз маҳсулотлари уруғи экилган. Худди шу йўл билан Самарқанд вилоятининг Челак, Иштихон, Пастдарғом, Каттақўрғон, Жомбой туманларидаги юзлаб гектар майдонда шоли етиштирилган. Табиийки, бу майдонларга сарфланадиган уруғлик чигит, ўғит, ёнилғи, сув, техника ва ишчи кучи учун хўжакўрсинга сарф харажатлар ҳисоб-китоби олиб борилиб, шу йўл билан ҳам давлат мулкини талон-тарож қилиш ҳоллари содир этилган.

Пахта етиштириш учун ажратилган майдонларга бошқа турдаги экинларнинг экилиши ва унинг давлат идоралари ҳисобидан яширилиши фермер хўжаликлар томонидан ҳам содир этилмоқда. Сирдарё вилоятида дон сотиш учун 1256 та, пахта сотиш учун эса 2004 та фермер хўжалиги тайёрлов ташкилотлари билан шартнома тузган бўлса-да, амалда уларнинг аксарияти шартнома шартларини бажармаган. Негаки, улар ҳужжатда кўрсатилган ҳосил ўрнига бошқа махсулот етиштирган.

Бундай кўзбўямачилик, ўғрилик, талон-тарожлик, шартномавий муносабатларни бажармаслик ҳоллари жорий йил ҳосили учун олиб борилаётган тайёргарлик ишларида ҳам кўзга ташланмоқда. Айни вақтда техника ва экиш мосламаларини мавсумга тайёрлаш ҳам талаб даражасида эмас. Ер ҳайдаш, шўр ювиш, ўғитлаш ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларида изчиллик етишмаяпти. Эҳтиёт қисмлар, ёнилғи - мойлаш материаллари етарли даражада жамғарилмаган. Кўкламга тайёргарлик шу тарзда давом этадиган бўлса, баҳорги экиш белгиланган муддатда ўтказилишига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Юқорида қайд этилган барча хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, баҳорги экишга тайёргарликни ҳамда ғалла парваришини жадаллаштириш масалалари юзасидан республика Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси А.Тожиев, Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидов, Жиззах вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев, Қашқадарё вилояти ҳокими Б.Ҳамидов, Самарқанд вилояти ҳокими Э.Рўзиев, Сирдарё вилояти ҳокими А.Исроилов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Кенгашда баҳорги экиш ишларини уюшқоқлик билан олиб бориш, ер, сув, ўғит, техника, ёнилғи ҳамда ишчи кучидан оқилона фойдаланиш, шартнома шартларининг аниқ бажарилишига эришиш билан бирга, буғдой майсаларини пайхондан сақлаш, уни суғориш, озиқлантиришни ўз вақтида ўтказиш, айни чоғда ҳосилни нес-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш чора-тадбирларини белгилаш зарурлиги таъкидланди. Бу борада мутасадди раҳбарларга аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, В.Отаев, М.Усмонов иштирок этди.

**(ЎзА)**

**СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?**

***"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да таҳлилимиздаги калимага шундай изоҳ берилади: "Илтимос – бирор муддаони қондириш ҳақида кимсага қилинган мурожаат, сўров". Худди ана шу сўровнинг салмоғи, қиммати, аҳамияти сўровчининг салоҳиятини белгилаб беради.***

# ИЛТИМОС

-Кўп табибларга учрашдим, дардимга даво топилмаяпти. Сиз ҳам бир кўрсангиз доктор, илтимос...

-Илтимос, яна минг карра илтимос, химия заводининг заҳар-заққуми яқин қишлоқларни тобора бўғиб ташлаяпти, бир иложини қилсаларингиз...

Турмуш, ҳаётни илтимосларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Ота боладан, бола онадан, қўшнилар, жамоалар, мамлакатлар бир-биридан ҳамиша ниманидир сўраб, илтимос қилиб туради. Шу маънода инсоний муносабатлар сўровларсиз бири кам бўлиб қолган бўлур эди. Ҳар жиҳатдан эъзозли инсонлар илтимослари билан ҳам эътиборга моликдир. Уларнинг сўровларида гўзал сийратлари балқиб туради. Истагидан нур ёғилади, гўё. Афсуски...

Афсуски, зиё борки – соя бор деганларидек, зуваласига қиттайгина нопоклик қўшилиб ийланганлар бошқачароқ мақомда айтилиши лозим бўлган ғайри талабларини ҳам илтимос пардасига ўрайдилар. Аллоҳ хоҳишига зид мурожаатлар сирли, айни маҳалда ифлослиги билан даҳшатлидир. Бундай илтимослар эҳромга ўраниб олган шайтонга ўхшайди!

- Илтимос, боламга беш баҳо қўйиб берсангиз, олийгоҳга киритмоқчи эдим...

-Мана буни олсангизу, ўғлимни ҳарбий хизматдан қолдирсангиз, илтимос...

Мустақил юрт фуқароси сифатида теграмга боқаман. Ҳаёт гўзал, ниятлар пок. Илтимосларнинг савияси жиддий ўзгармоқда. Ўзбекистон бирор давлатга ўз ерини, қадрини тўкадиган мурожаат қилган эмас. Мулоқотларда эзгулик тўлқинланиб турибди. Бироқ, мамлакатимиз ичкарисида, аҳоли ўртасида, оддий ва амалдор муносабатларида очиқлик, самимият билан бирга баъзида бачкана сўровлар ҳам қулоққа чалиниб қолмоқда: илтимос, илтимос, илтимос! Бирини эшитиб суюнасиз, бирини эшитиб куйинасиз.

Яна бир карра илтимос, ўйлаб кўринг!

Сиз бунга нима дейсиз?

**А. ЎКТАМОВ**

# БУХОРОНИНГ ЗУМРАД БЕЛБОҒИ

***Бухоро тумани чиндан ҳам қадим ва навқирон шаҳарнинг зумрад белбоғи, ноз-неъмат кони бўлган сўлим маскандир. Туман аҳолиси азалдан шаҳар халқини сабзавот-полиз маҳсулотлари, мева-чева, сут-қатиқ билан таъминлаб келади.***



**ТАРАҚҚИЁТ**

Туман деҳқонлари пахтадан, ғалладан, қолаверса, бошқа экинлардан ҳам вилоят миқёсида энг юқори ҳосил олишяпти. Буни қуйидаги рақамлар ҳам айтиб турибди. Мана улар: туманда давлатга ғалла сотиш шартномавий режаси ўтган йилда 115 фоизга бажарилиб, ҳосилдорлик 45 центнерни ташкил этди. 4948 гектар ердан 13295 тонна ғалла тайёрланди. Асосий тармоқ ҳисобланган пахтачиликдаги натижалар ҳам кўз-кўз қилишга арзийди. 12 минг 677 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан 40 минг 824 тоннадан зиёд "оқ олтин" жамғарилиб, бу соҳадаги режа 102 фоизга адо этилди. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Туманда биринчи бўлиб йиллик режани дўндирган "Маданият" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти деҳқонлари ҳар гектар ер майдонидан 51,5 центнердан "оқ олтин" йиғиштириб олдилар. Бундан ташқари "Ўзбекистон", Файзулла Алиев номли ширкат хўжаликлари ҳам йилни муносиб ютуқлар билан тугатдилар.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра ўтган йили биргина пахтачиликнинг ўзидан 2 миллиард 243 миллион сўм даромад қилинди. Шунинг 207 миллион 764 минг сўми соф фойда демакдир.

-Бухоро шароитида ернинг шўри икки маротаба ювилмаса, кўзланган ҳосилни олиш жудаям мушкул, - дейди туман ҳокими Негмурод Пўлатов. – Биз бу муҳим тадбирни сифатли қилиб амалга оширдик. Мақсадимиз йилни ёруғ юз билан якунлашдир.

**(Давоми 2-бетда)**

**МУАММО**

**Ўзи баъзан шунақа бўлади. Қандайдир ишларни қилгимиз келади. Агар мана шу ишлар амалга ошса, ўзимизга ҳам бошқаларга ҳам, катта наф келтиришини биламиз. Аммо, ниятимиз ҳа деганда рўёбга чиқавермайди. Сабаби, айрим камчиликлар ташаббусимизни бўғиб, қўл-оёғимизни ипсиз боғлаб тураверади. Шунда иш юришмаяпти, қўл калталик қилаяпти, деб уззу-кун пешонамизни тириштириб ўтираверамиз. Ҳолбуки,**

# ОЛДИНГИЗДАН ОҚҚАН СУВ...

**дўппини ерга қўйиб, жиддийроқ ўйлаб кўрсак ва чор-атрофимизга сергакроқ назар ташласак, шундоққина ёнгинамизда ўша бизни қийнаб келаётган ишимизга алоқадор муаммоларни ечадиган ўнлаб имкониятларнинг мавжудлигини кўрамиз. Бу қулайликлардан фойдаланиб, депсиниб қолган фаолиятимизни тезда жонлантириб юборишимиз мумкин.**

**(Давоми 3-бетда)**

# "ҚУВАЙТ МЕВАСИ"НИ СОВҒА ҚИЛИШ УЧУН ЧОРСУ БОЗОРИГА!

***Яқинда ўзбекистонлик бир гуруҳ журналистлар дунёнинг энг бой давлати – Қувайтда бўлдик.***

Мен бу давлатнинг деҳқончилиги ва ўсимлик дунёси билан қизиқдим. "Бизда деҳқончилик бўлмайди, ҳамма нарсани хориждан олиб келамиз" дейишди қувайтликлар. Бу ерда ҳатто тикон ҳам ўсмас экан. Дастлаб ҳайрон қолдим. "Бизда тупроқнинг ўзи йўқ, уни ҳам хориждан олиб келамиз" дейишди улар. Яна энсам қотди. Ниҳоят, беш кун давомида олиб юришиб ҳаммасини кўрсатишганидан кейин тушундим.

Бу мамлакатнинг ҳудуди бирорта ҳам ўсимлик ўсишига йўл қўймайдиган майда тош-қумдан иборат саҳро экан. Денгиз бўйларини ва мамлакат пойтахти Ал-Қувайтни безаб турган пальма дарахтлари эса бошқа араб давлатларидан келтирилибди. Қандай қилиб дерсиз? Буёғи афсонанинг ўзи. Аввал хорижий давлатлардан тупроқ олиб келинибди. Сўнгра пальма кўчатлари учун кичик хандақчалар қазилиб, улар хориждан келтирилган тупроқлар билан тўлдирилган. Ниҳоят, кўчатлар ана шу тупроққа ўтказилган. Суғориш ҳам муаммо. Кўчатларга мунтазам равишда тозаланган чучук сув қуйиб туриш зарур. Ал-Қувайт шаҳрида биз бу мураккаб жараённи бошидан охиригача ўз кўзимиз билан кўрдик. Ҳар туп кўчат олтинга тенг. Мамлакатда яшиллик яратиш қанчалик қимматга тушаётганлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а. "Қора олтин"ни сотишдан тушаётган маблағнинг каттагина қисми ана шунга сарфланяпти. Бу манзарани кўриб беихтиёр Ватан тупроғини эсладим. Ўзбекистоннинг тупроғи олтиндан ҳам қиммат эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

**БИРНИ КЎРИБ ФИКР ҚИЛ**

Ал-Қувайтнинг энг катта мева-сабзавот бозорида бўлдим. Товланиб турган турли-туман мевалар, сабзавот-у полиз маҳсулотлари кўзни қамаштиради. Воажаб, қайси боғи-эрамга тушиб қолдим деб ўйлайсиз. Бироқ Қувайтнинг ўзида етиштирилган бирорта ҳам маҳсулот йўқ.

**(Давоми 3-бетда)**

**АРАФА**

**Далалар уйғониб кетди, элимизга Наврўз ташриф буюрди. Иси бор, изи бор бу байрамнинг, соғинтирадиган соғинчи, энтиктирадиган ҳаяжони ўзгача. Байрамлар ичида ўрни бўлак бу айёмнинг.**

**100 ёшга кирган Қалдирғоч момо беш вақт номозида "Наврўзга умримни қўш, Худойим" деб дуо қилади. Момо кулиб-кулиб, силкиниб-силкиниб "Мен қариб**

# ОТИНГДАН АЙЛАНАЙ, НАВРЎЗ!

**қолдим, Наврўз менинг 18 ёшимда қандай бўлса, шундай қолди", деб невараси келтирган бойчечакни оппоқ, сийрак сочлари орасига қистириб қўяди.**

**Қалдирғоч момо билимдон невараси Оқилни ёнига чақириб, зурриётларининг рўйхатини туздирди. 42 нафар невара, 28 нафар чевара, 6 эвара кўрибди.**

**(Давоми 4-бетда)**

# МИСЛИ БУЛОҚ СУВИ ЗИЛОЛ БЎЛҒАЙМАН

***Паҳлавон Маҳмуд "жипс икки жаҳон юкига елка тутиб", фалак билан туташувчилар сифатида ёлғизлигини пухта идрок этади.***

***Сочи илон, аҳир, унинг, мен-ёлғиз,***
***Сонсиз хатару, офату, мунг, мен-ёлғиз.***
***Кокил чигалин ёзиш тароқнинг бахти,***
***Чунки тароқлар тиши минг, мен-ёлғиз,*** - деб ёзади шоир ўз рубоийларидан бирида. Аллома ўзининг ёлғизлигига қарамасдан, ўз ватани, халқи учун ниҳоятда фожиали бир даврда яшаб ўтган фарзанд сифатида давр залварли дардини чекиб яшамоқни ўзининг шарафли бурчи деб билади. Рубоий:

***Кўксимни қилар пора шу дард бўлғайдир,***
***Дардимга топар чора шу дард бўлғайдир.***
***Дард тоғи ҳавола бўлди, дўст-ёримга,***
***Менга насиб, зора, шу дард бўлғайдир.***

**ОРИФЛАР ГУЛШАНИ**

"Дўст-ёр-жавонмардийлар аҳли билан халқ дардини баҳам кўриб яшаган шоир ҳам ўз ватанига садоқатни, ўз эътиқодида устуворликни муҳим фазилат санади. Шоирнинг дастлабки мулоҳазаларига кўра инсон табиатан шундай яралган-ки, унинг эзгуликларига садоқат борасида устивор бўлмоғи душвордир. Ҳамиша ўз нафси билан курашмак, ҳаётда ўз йўлини ахтараётиб, юз бераётган гумроҳликлар, билиб-билмасдан йўл қўйиладиган гуноҳлар – буларнинг ҳаммаси бир қарашда нсоннинг садоқатли бўлишига йўл қўймайди, у гўё хоинликка маҳкум. Буни Паҳлавон Маҳмуд ўзининг қатор асарларида изчиллик билан таъкидлайди. Масалан:

***Чарх урфи ситамдирки яралган дамдан,***
***Сидқ аҳли халос бўлмади ҳеч мотамдан.***
***Ит бўлайин вафоси бор одамга,***
***Ит яхши вафоси йўқ одамдан.***

Паҳлавон Маҳмуд баҳайбат бир самовий юрак, унинг рубоийлари эса инсон ҳар бир жиҳатдан етук бўлиши учун чекилган дарднинг изтиробларга тўла тўлқинли чизиқлари, ўзига хос қардиограммалари деб айтсак ўринли бўлади.

**(Давоми 4-бетда)**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

**ДОНИ БОРНИНГ - НОНИ БОР**

**"НАЖОТ" БАРОКАМЕРАДА ДАВОЛАЙДИ**

**ЧИНОРЛАРНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР!**

Qishloq HAYOTI

2001 йил 13 март

# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## СОДИҚ ЖАНЖАЛ

***Айни ёзда Абдулла бобо билан Содиқ жанжал орасидан ола мушук ўтиб қолди.***

Иззат-нафсига тегса-да, бобо аввалига индамай юрди. Лекин бир гал иккаласи қишлоқ йўлида ҳамроҳ бўлиб қолди-ю, бобо қовоқ уюб келаётган Содиққа гап қотди:

-Содиқбой, менга анчадан бери чаппа-чуппа гапирасан, тинчликми ўзи? Ўйлаб-ўйлаб, ёқмай қолишимнинг сабабини тушунолмадим...

-Тушунолмадингизми? – деди ўсмоқчилаб Содиқ жанжал. – Ёшингиз саксонни қоралаб қолса ҳам тинай демайсиз. Томорқангизда кулочкашлаб кетмон урганингиз урган. Тағин одамлар сизнинг сабзи ва картошкаларингизни мақташларига ўлайми?

Бобо индамади. "Оббо, баттол-ей, юрагингга бахиллик ин қурибди-да", деб қўйди ичида. Кечқурун...

Бобо томорқасига сув йиқиб қўйган эди. Хуфтонни ўқиб, хабар олгани чиқса, кимдир аллақачон кулоқни бекитиб қўйган экан. "Аттанг, қараб ўтирсам бўларкан" – деган ўй билан сувни очиш учун кетмон урган эди, биров кетмонни оёғи билан босди.

Ой ёруғида рўпарасида Содиқ жанжал турганини кўрди.

-Ҳой, бобой! – деди жанжал, - Агар кулоқни очсанг, ўзингни чимга босиб кетаман.

Бу гапдан бобонинг ҳамияти қўзиб, ёшликдаги чапанилиги тутди. Кетмонни тортиб, қайта урди. Шу пайт Содиқ жанжал бобони ёқасидан олиб, мушт кўтарди. Бироқ, бобо ёшига муносиб бўлмаган эпчиллик билан унинг қўлини орқасига қайириб, бўйнидан тутди-да, бошини сувга тиқди. Бир лаҳза "вақир-вуқур" этган овоз чиқди. Бобо уни турғазган эди, у сўкинди. Бобо уни яна сувга босди ва негадир шу тобда устидан кулгиси келиб, товуш берди:

-Ҳой ким бор? Ёрдам беринглар, Содиқ жанжал мени ўлдирди...

Шундай деб чаққонни яна турғазди, жанжал яна сўкинди. Бобо тағин сувга пишди уни ва яна "Ҳой ким бор? Содиқ мени ураяпти", - дея қичқирди.

Бобонинг қўшниси Мансурбой бемаҳал чақириқни эшитиб, ёрдамга бориш-бормаслигини ҳам билмай, каловланиб қолди. Негаки, қишлоқда кўплар Содиқ жанжалдан қўрқарди.

Йўқ, бўлмади, чиқди. Ариқ бўйидаги дарахтлар панасида туриб, қараса... Не кўз билан кўрсинки, Содиқ жанжал 80 ёшли бобонинг қўлида полизга қўйиладиган қўриқчидай шалвираб турарди.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ**

## ҚАЛДИРҒОЧ

***Баҳор келиши билан хотираларим уйғонади. Ўша маъсум болалик кезларим кўз ўнгимда гавдаланганида беихтиёр юрагим орзиқиб кетади.***

Эсимда, ариқ бўйларини эндигина ялпиз қоплаган, ям-яшил майсалар орасида тўп-тўп бўлиб момақаймоқлар очилган пайт эди. Ойим тандир ёнида, иссиқдан юзлари қизариб, кулча ёпарди.

Мен – олти ёшли қизалоқ, ҳовлида ўйинчоқ кучукчамни опичлаб, уни гоҳ "овқатлантирар", гоҳ тоғорадаги сувга ботириб, чўмилтирар эдим. Шунда ойим:

-Турсуной, буёққа кел, сенга бир нарса кўрсатаман, - деб қолди. Чопқиллаб ойим олдига бордим. У эса айвон шифтидан кўзини узмай:

-Қара, қалдирғочимиз бола очибди... Чиройли-а?! Агар раҳматли бувинг бўлганларида, қандай қувонардилар-а...

Бу сўзлар қулоғимга кирар, лекин, унча аҳамият бермасдим. Бутун диққатим бежирим инда чуғурлашаётган қалдирғоч полапонларида эди. Шу-шу, бўш қолдим дегунча, айвон шифтидаги қалдирғочларга тикилиб ўтирадиган одат чиқардим. Она қалдирғочнинг болалари атрофида парвона бўлишини кўриб, ғалати ҳисларни туярдим. (Энди ўша ҳислар меҳр-муҳаббат эканлигини англадим). Лекин, бир куни эрталаб уйғонсам, ойим маъюс ўтирибди. Кейин билсам, қалдирғоч полапонларини илон еб қўйган экан.

Келгуси йил яна она қалдирғоч учиб келади, дея умид билан кутдим. Йиллар ўтса ҳамки, айвон шифтидаги қалдирғоч ини бўш қолаверди.

Очиғи, ҳали-ҳануз кутаман. Ойим айтардилар: "Қалдирғоч файзли, меҳр-муҳаббат устун хонадонда ин қуради", - деб.

Эзгуликнинг кечи йўқ, балки, бу баҳорда қалдирғоч ини яна полапонларга тўлса, ажабмас.

**Турсуной ЗИЁДОВА**

## КИМ ҲАҚ?

***Бир отахон судга олдинги хотинидан бўлган фарзандлари моддий ёрдам бермай қўйганликлари хусусида шикоят қилди. Туман суди унинг даъво аризасини қаноатлантирди. Яъни, биринчи турмуш ўртоғидан туғилган фарзандларидан ота фойдасига ойлик иш ҳақининг чорак қисми миқдорида ёрдам ундириб берилсин, деган қарор чиқарди.***

Фарзандлар эса бу қарордан норози бўлиб, вилоят судига мурожаат қилишди.

Маълум бўлишича, қария илк бор 1954 йил уйланган бўлиб, беш нафар фарзанди бор экан. Улар билан 11 йил яшаб, сўнг иккинчи бор уйланган. Иккинчи хотини ҳам унга саккиз нафар фарзанд туғиб берган.

Икки марта уйланган "бойвачча" бугунги кунда яккаланиб қолгач биринчи фарзандларидан моддий ёрдам бериб туришларини талаб қилмоқда. Биринчи аёлидан бўлган фарзандларининг гапларига қараганда отаси онаси билан ажрашганда улар жуда ёш бўлган. Онаси билан ажрашганидан сўнг отаси уларга умуман ёрдам бермаган.

Отанинг даъвоси қуйидагича: бирга яшаган даврда уларни тарбиялаган, моддий жиҳатдан таъминлаган эмиш. Бир пайтлар тирик етим қилган болаларидан моддий ёрдам сўрашни ва уларни судма-суд сарсон қилишни қария ана шу мантиқ билан изоҳламоқда.

Бизнингча, ҳар қандай ҳолатда ҳам фарзандлар отасини боқишдан оғринишмас эди! Агар, агар... қария ёшликда уларни тирик етим қилмаганида. Икки хотиндан 13 нафар фарзанди бор қариянинг бугун яккаланиб қолиши ҳам Яратганнинг ўзи ундан ўч олаётгандек таассурот қолдиради, кишида. Яъни, олмоқли, бермоқли, қасосли дунё экан-да, деган нақл бор. Норасида болаларини бир пайтлар хор қилган ота, эртами-кечми ҳаётдан ўз "ажри"ни олиши табиий ҳол эмасмикин?!

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ**

## БОЗОРДА НАРХ-НАВО ҚАНДАЙ?

| № | Номи | Тошкент | Андижон | Наманган | Фарғона | Самарқанд | Термиз | Қарши | Бухоро | Навоий | Урганч | Нукус |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Картошка | 105 | 80 | 80 | 85 | 88 | 100 | 65 | 95 | 95 | 105 | 113 |
| 2. | Сабзи | 73 | 40 | 38 | 45 | 65 | 45 | 55 | 65 | 65 | 65 | 68 |
| 3. | Пиёз | 225 | 280 | 210 | 230 | 230 | 300 | 105 | 265 | 270 | 210 | 300 |
| 4. | Бодринг | 700 | 700 | 600 | 1000 | 475 | 700 | 500 | 600 | | 475 | 700 |
| 5. | Помидор | 725 | 800 | 750 | 1200 | 525 | 900 | 500 | 850 | | 890 | 1250 |
| 6. | Гуруч | 310 | 280 | 275 | 260 | 315 | 320 | 250 | 280 | 325 | 255 | 310 |
| 7. | Мол гўшти | 1000 | 900 | 900 | 900 | 925 | 900 | 850 | 800 | 800 | 775 | 800 |
| 8. | Қўй гўшти | 1200 | 1200 | 1200 | 1300 | 1080 | 1200 | 1000 | 775 | 850 | 950 | |
| 9. | Сут (литр) | 100 | 100 | 75 | 70 | 98 | 80 | | 65 | 100 | 75 | 135 |
| 10. | Тухум (дона) | 65 | 42 | 42 | 40 | 38 | 45 | 50 | 39 | 42 | 40 | 47 |

*Ушбу маълумотнома Европа Кенгашининг ТАСИС Программаси доирасида Қишлоқ Хўжалик Маркетинг Информация Системаси ва Эксперементал Қишлоқ хўжалик улгуржи бозори проекти томонидан Республика вилоятларидаги тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тайёрланган.*

МАЪНАВИЯТ

***Иймон ва инсоф минг йиллардан бери авлоддан авлодга ўтиб келаётган, халқимиз онгига мангу сингдирилган бобокалонларимизнинг бебаҳо васиятлари, урф-одатларимизнинг энг яхши қирраларидир.***

## ИЙМОН ВА ИНСОФ НИМА?

Иймонли кишилар тўғри сўз, диёнатли, бировнинг ҳақига хиёнат қилмайдиган инсонлардир. Инсофи, иймони бут одамлар ўзгалар ташвиши билан яшайди. Кишиларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлишади.

Хўш, иймонсиз, инсофсиз кишиларни биз ким ва қандай инсонлар деб атаймиз? Худди ана шу мавзуда Элликқалъа туман марказлашган кутубхонаси ўқув залида туман китобсеварлари билан ўтказилган баҳсда иштирокчилар биргаликда жавоб излашди.

Таъкидлаш жоизки, кутубхона ходимлари томонидан ўтказилаётган бундай тадбирлар ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол ва миллий урф-одатларимиз, анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади.

**М.АЙТИМОВ**

КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

## КЎЧАТ ЭКДИНГМИ, ПАРВАРИШ ҚИЛ!

***Юртимизда кўклам. Бутун дала-боғларда ишлар қизғин давом этмоқда. Айниқса, кўчат экишнинг айни палласи келди.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда "Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги" ўтказиш тўғрисида"ги Қарори юртимиз табиатини соғломлаштириш ва ободонлаштириш ишлари янада авж олдиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Лекин, кўкаламзорлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг бир жиҳатига эътиборни қаратишни лозим деб ўйлаймиз. Ҳар йили баҳорда кўчат экиш ойлиги ўтказилади. Бу тадбирда турли идоралар, жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари, кенг жамоатчилик фаол иштирок этишади. Лекин, тадбир ойлиги ўтказилгандан сўнг, экилган кўчатлар парвариши билан шуғулланиш ёддан чиқиб кетади. Оқибатда, қанча меҳнат ва маблағ сарфланиб экилган кўчатлар қаровсизликдан қовжираб, нобуд бўлади. Агар ҳар йили экилган миллионлаб кўчатлар тўлиқ унганда эди, юртимиз аллақачон ҳақиқий боғу-бўстонларга айланган бўлар эди.

Эндиликда бу ишга жиддий масъулият билан ёндашиш вақти келди. Ҳар бир ташкилот ўзи эккан кўчатнинг тўкис униб, ривож топиб кетишига жавобгар бўлиши керак. Бу иш ҳокимликлар ҳузуридаги мутасадди ташкилотлар томонидан назорат қилиб борилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ана шундагина биз кўчат экишдан кутган мақсадларимизга эришишимиз мумкин.

**Абдураззоқ КАРИМОВ**



**Тошкент туманидаги "Ҳасанбой" ширкат хўжалигида ярим миллиондан ортиқ туп терак ва турли мевали дарахтларнинг кўчатлари экилди. Кўкаламзорлаштириш ишларида меҳнат фахрийлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.**

**СУРАТДА: Шукур бобо Саидалиев ва Қаҳҳор бобо Саидовлар ёш ниҳолларни ўтқазишмоқда.**

## БУХОРОНИНГ ЗУМРАД БЕЛБОҒИ

**(Боши 1-бетда)**

Дарҳақиқат, ўтган йил кузда ерга сепилган 5 минг гектар майдондаги ғалланинг ривожланиши яхши. Ҳозиргача ғалла пайкаллари икки марта сувга қондирилиб, маъданли ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилди. Чигит экишда ишлатиладиган барча техника воситалари таъмирдан чиқарилди. Баҳорда 12 минг 677 гектар майдонга чигит экиш режалаштирилган. Боғларда дарахтларга шакл бериш якунланди. Барча деҳқонлар фойдали юмушлар билан бандлар. Негаки, ҳалол меҳнат қилган одам ҳеч нарсага зориқмасдан яшайди-да.

Туман ва шаҳар ҳокимлиги Бухорони жаннатмакон Ўзбекистонимиздаги энг ораста, гўзал, серфайз туманлардан бирига айлантириш мақсадида оммавий равишда жойларга мевали дарахт ва гул кўчатларини ўтқазишмоқда. Ахир Хизр бобомиз назари тушган гўшанинг йўл ва йўлкалари, боғ ҳамда хиёбонларида анвойи баҳор гуллари қулф уриб ўсиб ётса, бунга нима етсин!..

Биз бугун имкон қадар бухоролик деҳқонларнинг қўлга киритаётган меҳнат ютуқлари ҳақида сўз юритишга ҳаракат қилдик. Ниятимиз тупроқдан дур ундираётган заҳматкаш инсонларнинг барча эзгу тилаклари ижобат бўлсин. Бухороликлар кўнглида ёруғ ниятлар юз очаверсин.

**Улуғбек ЖУМАЕВ**

## СОЛИҚ ҚОНУНИ ҚАТЪИЙ

***Солиқнинг қонуни қатъий. Билганлар барака топади. Билмаганлар-чи?..***

ҲУҚУҚ

"Мирза Олим" фермер хўжалигининг Қумқўрғонда довруғи баланд. Даласини кўрсангиз, ҳайратда қоласиз. Экиндан тортиб ҳисоб-китобгача бари мустаҳкам тартибда. Фермер хўжалиги бошлиғи Ибодулла Қаровнинг шундай гапи бор: "Тадбиркорлик солиқ тўлашдан бошланади". Бу гап фермернинг ўзи учун қонун. У кишининг фермер бўлганига 6 йилдан ошди. Ҳалигача бирон марта на солиқдан, на бошқа корхонадан қарз бўлган жойи йўқ.

Дарвоқе, туманда 126 та фермер бор. 2001 йилнинг бир ярим ойида 24 та фермер хўжалиги очилди. Бу тадбиркорларнинг пешонаси ярқираётганидан нишона. Деҳқон халқи мард келади, ғазнасида пули борми-йўқми, солиқни ўз вақтида тўлаб боради. Яширишнинг ҳожати йўқ, баъзи соҳаларда солиқларни яшириш, солиқчилардан норози бўлиш, ҳисоб-китобларни чалкаштириш кўплаб учраётир. Фермерларнинг эса пули тўғри, кўнгли тўғри.

Солиқчиларимиз яхши билишади, тадбиркорлик қанча ривожланса, эл ҳам, давлат ҳам шунча бойийди. Ҳозир туманимизда 550 та юридик мақомига эга корхоналар мавжуд. Ишбилармон бўламан, деб ният қилганлар кўп. Улар рўйхатдан ҳам ўтадилар, аммо "Иш билганга минг танга", билмаганга-чи? Айримлар ишни юргизиб кетолмайди. Мана мисол, 906 та юридик шахс рўйхатга олинган, уларнинг 356 таси фаолият кўрсатолмади.

Якка тартибда фаолият юргизиш тадбиркорларимизга жуда маъқул келаяпти. Улар сафи тобора ошаётир. Бу ишсизларнинг камаяётганини билдиради. Бу - ҳаёт янгиланаётганининг, ислоҳотларни кишилар кенгроқ ва теранроқ тушунаётганларининг самараси. Туманда 448 та якка тартибда фаолият юритаётган тадбиркор бор. Солиқчиларимиз улар билан доимий тарғибот ишлари олиб боришади. Мисол учун яқинда "Оқжар" маҳалласида суҳбат-семинар ўтказилди. Аҳоли унга катта қизиқиш билан қатнашди. Фуқаролардан саволлар ёғилди. Солиқчилар уларга оддий ва содда қилиб жавоблар қайтарди. Элнинг тили учида турган гаплари кўп экан. Баҳс-суҳбатдан ҳар икки томон ютди. Одамлар юрагидаги солиқдан қўрқув ўрнини тадбиркорликка интилиш эгаллади.

Солиқ инспекциясининг текширишлари шуни кўрсатяптики, айрим корхоналар солиқ қонунчилигини бузаяптилар. Ўтган йили 311 та текшириш ўтказилди. 148 ҳолатда қонунга беписандлик, қонунни четлаб ўтиш қайд этилди. Йирик корхоналарнинг салмоқли маблағларни солиқдан яшириб қолганлиги маълум бўлди. Улар бундай қонун бузилишларини солиқчилар тополмайди, деб ўйлашган. Бироқ, ходимларимиз жуда билимли, малакали, "қилни қирқ ёрадиган" мутахассислар. Текширишлар хулосасига кўра, қўшимча 10 миллион сўмлик солиқ ҳисобга киритилди. Мансабдор шахсларга солиқ қонунчилигини бузганликлари учун 17 миллион 400 минг сўмлик молиявий жарима белгиланди. Бошқача қилиб айтганда, "Туя кўрдингми, йўқ" деб юрган 148 та корхонанинг 225 нафар раҳбар ва ҳисобчиси сохта тадбиркорликнинг касрига қолди.

Бозор иқтисодининг бош талаби – рақобат! Унда кимдир ғолиб, кимдир мағлуб. Тадбиркорликка адашиб кириб қолганлар "майдон"ни тарк этишга мажбур. "Қаёққа юришини билмай қолган" 9 та корхона банкрот аломати бор учун, даъво аризаси билан вилоят хўжалик судига берилди. Шулардан 8 таси банкрот деб эътироф этилди. Ва улар давлат реестридан чиқарилди.

Солиқ қонунларининг бажарилиши текшириб кўрилган 8 та ҳолат юзасидан туман прокуратураси жиноий иш қўзғади. Ва битта жиноий иш аломати бор материал ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига юборилди.

Туман солиқ инспекциясининг солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бош суриштирувчиси Эрназар Мамасобиров "Олтин бошоқ" дон маҳсулотлари қабул қилиш корхонасини текширишдан ўтказганда, бу ерда катта жиноятга қўл урилганлиги очиб ташланди. 94 тонна арпа дони, 201 тонна буғдой дони қоғозларда бор-у, омборхонада йўқ. Ёки 9 миллион сўмлик камомад борлиги фош бўлди. Табиий савол туғилади: 300 тоннага яқин дон қаёққа кетди? Буғдой ўрнига ун заводига наҳотки қоғоз борса?! Қоғозлардан ун-нон тайёрлайдиган завод ҳали кашф этилгани йўқ. Бундай қўшиб ёзишнинг илдизи қаерда?

Жиноят бир бошланса, чувалашаверади, "болалайверади". "Олтин бошоқ" корхонасининг омбор мудири ва лаборатория бошлиғи битта хусусий корхона ҳамда битта ширкат хўжалигига бориб, бош ҳисобчи ва омбор мудирини роса аврайдилар: "Бизга солиқдан текшириш келаяпти, 300 тонна дон йўқ. Шуни "бор" қилиб, сизларнинг омборларингизда тургандек, сохта ҳужжат қилайлик, солиқчилар кетгандан кейин, сизларга донни ўзимиз берамиз" деб, алдашади. Бир қанча сохта ҳужжатлар тайёрланади. Ушбу жиноят иши юзасидан туман прокуратураси тергов-суриштирув ишларини олиб бораётир.

Халқ хўжалигида ислоҳотлар тобора кенгайиб, чуқурлашмоқда. Бу солиқ ходимларининг ҳам тинмай изланишларини, ўрганишларини тақозо этади. Ваҳоланки, ўтказилган синов натижаларига кўра туман солиқ инспекцияси ходимлари вилоятда етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Айни пайтда солиқ ходимларининг масъулиятини янада ошираяпмиз. Масъулият бор жойда тартиб, интизом ва ютуқ бўлади.

**Абдураззоқ БОЗОРОВ,**
**Қумқўрғон туман давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи.**

БУНЁДКОРЛИК

***Боғотлик тадбиркор Худойназар Султонов "Асакабанк"нинг вилоят бўлимидан 18 миллион сўм миқдорида имтиёзли қарз олиб, ўзининг хусусий фабрикасини бунёд этди.***

Янги корхона ҳар йили ўртача 3600 квадрат метр гиламлар, кўпдан-кўп кийим-кечаклар, сопол-чинни буюмларини ишлаб чиқаради. Йиллик ялпи маҳсулот миқдори 200 миллион сўмликдан ҳам ортиб кетади. Энг муҳими, қишлоқ тадбиркорининг корхонаси ҳозирнинг ўзидаёқ, 120 кишини ишга таклиф этди. Корхонанинг очилиши қишлоқда катта тантанага айланди. Бу ўлкамизга баҳор эшик қоққан чоғи вилоят аҳлига тақдим этилган қулайликларнинг яккаю-ягонаси эмас.

## ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР – ЮРТ ЧИРОЙИ

Янгиариқ туманидаги Остона қишлоғида замонавий қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи барпо этилди. 600 ўқувчига мўлжалланган билим даргоҳи ўзининг 100 ўринли ётоқхонасига ҳам эга. Қишлоқ кошонаси ғоят қисқа муддатларда барпо этилди ва бунёдкорликка қарийб 1 миллиард сўмлик маблағ харжланди.

Питнак шаҳрида қуриб битказилган янги ғишт заводи вилоятда ягона, десак янглишмаймиз. Бунинг боиси шуки, корхона ўз "масаллиғи"ни бошқа турдош заводлардаги сингари унумдор тупроқли экинзор далалардан эмас, балки, воҳани чор тарафдан қуршаб олган қум барханларидан олади. Бу билан каттагина майдонлардаги ҳосилдор далаларнинг тупроғи корхонага "ем" бўлишдан асраб қолинади. Маҳсулотнинг ўзига келсак, унинг тўқ қизил рангидан кўра керамик хусусияти ўта пишиқ ва пухталиги эътиборни кўпроқ тортади. Лекин, ҳаммасидан муҳими – маҳсулот таннархининг анча арзонлиги. Янги корхона ҳар йили ана шундай ғиштларнинг 12 миллион донасини ишлаб чиқаради. Корхона бунёдкорлигига 150 миллион сўм маблағ сарфланди.

**Абдулла СОБИРОВ**

ДАВР

## ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

***Тўрткўл туман марказий кутубхонаси таркибида ҳозирги кунда жами 34 та бўлим бор.***

Бу зиё масканларида 323 минг 146 дона китоблар мавжуд. Яқинда кутубхона фонди яна 642 та китобга ортди. Тумандаги "Барокат" ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг саҳийликлари туфайли янги олинган китоблардан ташқари 250 минг сўмлик газета ва журналларга ҳам обуна бўлинди.

**А. МУРОТОВ**

## ҲОМИЙЛАР ЁРДАМИ

***Андижон тумани Бўтақора қишлоғидаги Меҳрибонлик уйида янги тиббиёт бўлими ишга тушди.***

Бўлим мутахассислари Меҳрибонлик уйига келган ногирон болаларга дастлабки ёрдам кўрсатиш ва уларни бу ерга мослаштириш билан шуғулланади. Шунингдек, бу ерда 200 ўринлик янги ошхона очилди ва иккита ётоқхона капитал таъмирланди.

Бу хайрли ишлар тумандаги ширкат хўжаликлари ва йирик фирмалар ҳомийлигида амалга оширилди.

**(ЎзА)**



**Хоразм вилоятидаги "Ҳонқадон" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқараётир. Корхонадаги макарон цехида ойига юз тоннадан ортиқ олти турдаги макарон тайёрланаётир.**

**СУРАТДА: макарон цехи оператори Жилдора Оллаберганова.**

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## КУТУБХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ЯХШИЛАНАДИ

***Наманган вилояти ҳокимлиги шуни маълум қиладики, жорий йилнинг 13 феврал куни "Қишлоқ ҳаёти" газетасида чоп этилган "Ғофиллик балосидан асрасин" номли танқидий мақола тегишли мутахассислар билан атрофлича ўрганиб чиқилди.***

"ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Ушбу ҳолат вилоят кутубхонасининг масъул ходимлари, шаҳар, туманлар марказий кутубхоналарида ишловчи ходимлар билан биргаликда муҳокама қилинди. Бўлим мудири Л.Шерматова ишдан бўшатилди. Кутубхона директори М.Жўрабоевага кутубхона ходимлари фаолиятини етарли назорат қилмаганлиги учун қаттиқ хайфсан берилди.

Вилоят ҳокимлигининг маданият ишлари бошқармасига бир ой муддат ичида Наманган шаҳри ва туманлардаги кутубхоналарнинг фаолиятини қайта ўрганиб чиқиб, маълумот тайёрлаш топширилди.

Наманган вилояти ҳокимлиги жойлардаги кутубхоналарнинг фаолияти, улардаги иш ҳужжатларини талаб даражасида юритилиши бўйича назоратни кучайтиради ва зарурий тадбирларни амалга оширади.

**И.ЮСУПОВ,**
**вилоят ҳокимининг ўринбосари.**

## ОҒУ ҚЎЛТИҚЛАГАН АЁЛ

***Гиёҳвандлик – "асримиз вабоси" деб бежиз айтилмаяпти. Шу "заҳри қотил" оқибатида нене оилалар барбод бўлмоқда. Ана шу балои азим тузоғига илинган кимсалар мисқоллаб йиққан обрўсидан, тўплаган бойлигидан, энг қимматли нарса – соғлигидан ажраб эл аро бадном бўлишаяпти.***

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Ҳатто, сарвдек қадди-қомати, ҳусн малоҳати, ақл-заковати билан ҳам бир пайтлар кимларнингдир дилига чўғ ташлаган баъзи аёллар ҳам шу нўноқ йўлга қадам қўйиб, гулдек умрларини темир панжара ортида ўтказмоқдалар.

Г.Ҳусанова ўзининг айтиши бўйича 2000 йилнинг 10 ноябр куни Ургут туманида тожикистонлик нотаниш бир фуқародан уч бўлак, целофанга ўралган "героин" моддаси ва битта кичик целофанга ўралган қора дори наркотик моддасини жами 300 000 сўмга сотиб олади. Мўмай даромад илинжида Самарқанднинг "Улуғбек" бекатидан "Тошкент-Урганч" йўналишида қатнаётган "Икарус" автобусига ўтириб Хоразмга йўл олади.

Автобус 2000 йилнинг 12 ноябр куни соат тахминан 14 лар чамасида Хоразм вилоят божхона бошқармасининг 10-сонли "Туямўйин" божхона пости ходимлари томонидан тўхтатилади ва кўрикдан ўтказилади. Синчков божхоначилар у ўтирган қатордаги ўриндиқ орқасига рўмолчага ўралиб яшириб қўйилган 78 грамм "героин" ва ўзи кийиб юрган жемпери чўнтагидан уч грамм гиёҳвандлик "опий" моддаси топиб оладилар.

Г.Ҳусанова юқорида айтиб ўтганимиздек, Ургут туманининг "Бешёғоч" қишлоғи "Оққўрғон" жамоа хўжалигида оддий пудратчи бўлиб ишлаган, турмуш ўртоғи Меҳриддин Исломов ва уч нафар фарзанди билан хўжаликнинг биринчи бўлимида яшаб келган. У терговда оилавий аҳволим оғир бўлганлигидан бу ишга қўл урдим дея кўрсатма беради. "Заҳри қотил" сотиб олишга топилган 300000 сўмни тадбиркорликнинг бирор бир тармоғи учун ишлатганида бўларди-ку?

Судлов ҳайъати ҳам жазо белгилашда унинг айбига тўла иқрорлиги, муқаддам судланмаганлиги, истиқомат жойидан ижобий тавсифнома берилганлиги, аёллигини, жамоа хўжалигида оддий пудратчи бўлиб ишлаб келганлигини, ҳамда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи бошқа ҳолатларни эътиборга олди.

Судланувчи Ҳусанова Гулчеҳра Ҳакимовна Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 25,273-моддаси 5-қисмига биноан, Ўзбекистон Жиноят Кодекси 57-моддаси қўлланиб, мол-мулки мусодара қилингани ҳолда, 7 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташлик белгиланди.

Табиатнинг ўз қонунлари бор. Ҳаёт тўхтамайди. Ҳар бир сонияда айрилиқ доғини, виждон азобини юракка муҳрловчи совуқ панжаралар ортидаги ҳаёт ҳам бир куни ўз ниҳоясига етади. Лекин, ўз ихтиёри билан топталган аёллик ғурури, оналик шаъни... Булардек буюк қадр-қимматни қайтадан тиклаб бўлармикан?!

**И.ТЎРАЕВ,**
**Хоразм вилоят суди раисининг ўринбосари.**

# ИЧКИ ШАРТНОМА - ИСЛОҲОТ ИБТИДОСИ

(Боши 1-бетда)

-168 нафар ижарачимиз бор. Ҳаммаси ҳақида илиқ сўз айтгим келади. Бирини илғор деса, бошқаси ундан қолишмайди. Сайдулла Холмирзаев раҳбар бўлган ижарачиларни қаранг. 23 гектар майдонда пахта етиштириб, ҳар гектардан 43 центнердан ҳосил олишган. Пахта тайёрлаш режаси 145 фоизга бажарилган. Хўжаликка келтирилган даромади 5 миллион сўмдан ошди. Уни ҳар бир ишловчи ҳисобига тақсимлаб бўлсак, бу рақам 361 минг сўмни ташкил қилади. Бир оддий деҳқон келтирган даромадни кўряпсизми? 361 минг сўм! Яна шуниси қувончлики, мазкур ижарачиларимиз бултур 775 минг сўм фойда билан чиқишди. Кўрилган фойда жамоа аъзоларига бўлинганда уларнинг ҳар бири 55 минг сўмдан қўшимча даромадга эга бўлишди.

Фозил Суннатов, Мейли Йўлдошев, Асадулла Қурбоновлар ҳам ўз ишини пухта биладиганлар сирасига киради.

... Суҳбатдошимиз яна кўплаб илғорларни ҳурмат эҳтиром билан тилга олдилар. Шу куни бош иқтисодчи Туфли Хуррамов билан суҳбатлашдик.

-Бизда ҳисоб-китобнинг яхши йўлга қўйилганлигини яна шу нарсадан билса бўлади, - деди бош иқтисодчи Т.Хуррамов, - хўжалик билан фермерлар ҳамда ижарачилар ўртасида чек дафтарчаси ташкил этилган. Чек эгаси ўзига керакли ўғит ёки бошқа воситаларни олганлиги ҳақида чек дафтарчасига ёзиб боради. Ички шартнома асосида иш юритувчи ижарачи чекнинг бир нусхасини хўжалик ҳисоби бўйича ишлаб чиқариш марказига қолдиради. Ўртадаги ҳужжат ҳар иккала томондан тасдиқланади. Кўрибсизки, ҳар бир килограмм ўғитнинг ҳисоби бўлади. Ёки дейлик, олинган техникадан фойдаланиш тартиби ҳам аниқ-равшан кўрсатилади. Ортиқча харажатга йўл қўйилмайди. Бу билан хўжалик ҳам, деҳқон ҳам катта манфаат кўради.

-"Қашқадарё" хўжалиги меҳнаткашлари мустақиллигимизнинг ўн йиллик кутлуғ байрамини катта ютуқлар билан кутиб олишга бел боғлаганлар, - дейди туман ҳокими Халил Соатов. – Ялпи пахта ҳосилини 8000 тоннага етказиш мўлжалланган. 1295 гектар майдондаги ғалланинг ҳар гектаридан камида 40 центнердан хирмон кўтариб, ҳосилдорлик 5400 тоннага етказилади. Ана шунда хўжалик деҳқонларининг йиллик даромади 1 миллиард сўмдан ошади. Бундай натижага эришиш учун ҳамма имкониятлар бор.

**Бозор ЭРҚОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**





**Поп туманидаги "Дўстлик" ширкат хўжалигининг бош пудратчиси Раҳимжон Насриддинов ўтган йили қилган ҳалол меҳнатлари эвазига "Шуҳрат" медали билан мукофотланган эди.**

**Шу тумандаги Наврўз ширкат хўжалиги деҳқонлари ҳозиргача 7 та сеялкани ҳамда 17 та ҳайдов тракторларини сифатли созлаб старт чизиғига келтириб қўйдилар.**

**СУРАТЛАРДА: 1.Бош пудратчи Р.Насриддинов;**
**2.Созловчи чилангар Собир Деҳқонов иш пайтида;**
**3.Хўжалик техникаси мавсумга шай.**

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

**ЯХШИ ХАБАРЛАР**

## "МУҚАДДАМ"НИНГ МУЗҚАЙМОҚЛАРИ

***"Соёт" Хива туманининг энг кўркам ва хушманзара қишлоқларидан бири.***

Бирмунча муддат аввал бу ерда Италиянинг "Фено" фирмаси билан ҳамкорликда "Муқаддам" кичик корхонаси музқаймоқ ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

Ҳозирга келиб кунига уч хил турдаги 12800 дона 100 граммлик музқаймоқни тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб беришда Б.Хўжаев, Х.Мадаминов, А.Назаров каби тажрибали ишчилар фаол меҳнат қилмоқдалар.

**Ш.МАШАРИПОВ**

## ЁШЛАР ФИКР БИЛДИРГАНДА

***-Ҳар ким эркин тарзда ўз фикрини билдириши мумкин, - деди туман "Камолот" ташкилоти раҳбари Б.Юсупов.***

Унинг сўзлари далда бўлиб, ёшлар бирин-кетин Дастур ва Низом лойиҳалари бўйича ўз қарашларини баён қила бошладилар. Айниқса, педагогика касб-ҳунар коллежидан Х.Мирзаев, талаба ёшлардан С.Озодова, М.Эшчоноваларнинг билдирган мулоҳазалари йиғилиш иштирокчиларининг эътиборини тортди.

Ҳар қандай мафкурадан холи бўлувчи Республика "Камолот" ижтимоий Ҳаракатини тузиш борасида Хива туманида ёшлар билан ўтказилган ушбу мулоқот кўтаринки руҳда кечди.

**М.ШЕРБЕКОВ**

## ТАДБИРКОР УЧУН АХБОРОТ ТИЗИМИ

***"Евразия" жамғармасининг 22731 АҚШ доллари миқдоридаги грантига сазовор бўлган Қашқадарёдаги "Уфқ" бизнес-инкубаторида қишлоқ хўжалик ахборотларини тарқатиш бўйича марказ ташкил қилинди.***

Бизнес-инкубатор мутахассисларининг воҳадаги етакчи олимлар билан ҳамкорликда тайёрлаган лойиҳасида фермерларни интеллектуал томондан қўллаб-қувватлаш кўзда тутилади.

Хорижий ва маҳаллий экспертларнинг хабар беришича, мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг қишлоқ хўжалиги бўйича йўқотишларининг 20 фоизи соҳа етарли даражада ахборот билан таъминланмаганлиги туфайли рўй берар экан.

Бозор иқтисодиёти шароитида мазкур марказ корхоналар кўрсаткичларига ижобий жиҳатдан таъсир ўтказиши шубҳасиздир.

**"Туркистон-пресс"**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## БОШ КОТИБНИНГ ТАШРИФИ

***БМТ Бош котиби Кофи Аннан Жанубий Осиё давлатлари бўйлаб сафарга чиқди.***

У 10-11 март кунлари Покистонда, 12-13 кунлари Непалда ҳукумат расмийлари билан учрашди, энди 13-15 мартда Бангладеш, 15-17 март кунлари эса Ҳиндистон раҳбарлари билан мулоқотда бўлади.

Бош котибнинг асосий мақсади, дея хабар беради Рейтер агентлиги, давлат бошлиқлари билан тинчлик масалалари ва минтақада демократияни ривожлантириш борасида, энг муҳими афғон муаммосини ҳал этиш хусусида фикр алмашишдир.

## МАРКАРЯННИНГ ҚАРОРИ

***НАТОнинг ҳарбий қўмитасини раҳбари адмирал Гвидо Вентурони билан бўлган учрашув чоғида Арманистон бош вазири Андраник Маркарян Арманистон Шимолий Атлантика Блокининг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурида фаол иштирок этишини билдирди.***

Шунингдек, у ўз давлатининг Россия билан тутган стратегик ҳамкорлиги НАТОга аъзо давлатлар билан олиб борадиган муносабатларида тўсиқ бўлмаслигини ҳам айтиб ўтди.

## БОЛҚОН МУАММОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ

***"Новости" ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Россия президенти В.Путин топшириғига биноан ташқи ишлар вазири И.Иванов яқин кунларда Югославия ва Македонияга сафар уюштиради.***

И.Ивановнинг фикрича, ташриф чоғида Болқон минтақасидаги кескинлашиб бораётган аҳволни барқарорлаштириш ҳамда бу борада халқаро ҳамжамиятни кўмакка чақириш масалалари муҳокама этилади.

## МУНОСАБАТЛАР ЯХШИЛАНМОҚДА

***Шимолий Корея ҳукумати Бразилия билан дипломатик алоқа ўрнатди, дея хабар берди Асошиэйтед-Пресс агентлиги.***

Яқин кунларда икки давлат ўртасида элчилар алмашиши ҳам амалга оширилади. Бразилия расмий Пхеньян билан алоқа ўрнатган саккизинчи давлат ҳисобланиб, ундан аввалроқ эса Нидерландия, Бельгия, Канада, Испания, Германия, Люксембург ҳамда Греция билан муносабатлар йўлга қўйилган эди.

## НАЗОРАТ ОСТИГА ОЛИНДИ

***Бурунди Қуролли кучлари бош штабининг баёнот беришича, Хуту исёнчилари билан бўлиб ўтган 13 кунлик қонли тўқнашувдан сўнг пойтахт Бужумбур тўла ҳукумат қўшинлари назорати остига ўтган.***

Мамлакат мудофаа вазири Кирилл Ндайрукийе фикрича, пойтахт атрофига ўрнашиб олган қўзғолончиларнинг тарқоқ гуруҳлари марказий ҳудуддан сиқиб чиқарилганлар, дейилади Си-эн-эн агентлиги хабарларида.

## АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР САВДОСИ

***Бундан буён Оврупо Иттифоқи комиссияси аёллар ва болалар савдосига қарши курашни кучайтирмоқчи, дея хабар тарқатди Дойче-Веллэ агентлиги.***

Маълумотларга қараганда, ғарб мамлакатларидаги жиноятчи тўдалар ҳар йили 120 мингга яқин аёл ва болаларнинг ноқонуний сотилишини амалга оширар эканлар. Бунинг оқибатида эса жабрланувчиларнинг номуслари паймол этилади ёки улар худди қул сингари ишлашга жалб қилинадилар.

## КОРРУПЦИЯ РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТ

***Хитой прокуратураси сўнгги пайтларда 45 мингдан ортиқ коррупция билан боғлиқ жиноятларни фош этди ва 4,7 миллиард юан (566 миллион доллар) миқдоридаги маблағни давлат ихтиёрига мусодара қилди.***

Бош прокурор Хань Чжубиньнинг фикрича, ҳозирда 169 нафар давлат муассасаларининг раҳбарлари коррупцияда айбланиб, ўлим жазосига ва озодликдан турли муддатга маҳрум этилдилар.

## МАРИХУАНА ОЧИҚ САВДОГА?!

***Би-би-си жаҳон хизматининг хабарича, Швейцария ҳукумати марихуана моддасини истеъмол қилиш ва сотилиши тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқул кўрди.***

Чунки, ҳозирги вақтда аҳолида унга бўлган эҳтиёж ҳам ҳисобга олинган. Сўровлар натижасига кўра, мамлакат ёшларининг 25 фоизи мунтазам равишда марихуана чекар эканлар.

Аммо, парламентда муҳокама этиладиган ушбу лойиҳа қаршиликка учраши, ёки ўнг қанот партияси томонидан бу борада умуммиллий референдум ўтказилиши талаб этилиши мумкин. Айни пайтда Оврупода фақат Голландия марихуананинг сотилишини қисман қонунийлаштирган ягона давлат ҳисобланади.

## ЖОСУС СУДЛАНМОҚДА

***Вашингтон суди Австралия фуқароси Жан-Филипп Уиспелэрни жосусликда айбламоқда.***

Маълум бўлишича, 30 ёшли Уиспелэр АҚШ-Австралия ҳамкорлигига оид ҳарбий ҳужжатларни 2 йил давомида ФТБ ходимига сотган экан. У бир неча йил Австралия ҳукуматида хавфсизлик ва мудофаа масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида ишлаган бўлиб, 1999 йил бошида Бангкокда илк бор ФТБ вакили билан яширин тарзда алоқада бўлади. Сўнгра орадан ҳеч қанча муддат ўтмасдан ўша йилнинг май ойида Америкага таклиф этилиб, аэропортда ҳибсга олинган эди. Айбловчиларнинг тахминича, жосус 15 йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

**Молиявий Янгиликлар Агентлиги**
**"Виртуал кутубхонаси" билан**
**ҳамкорликда тайёрланди.**

* *

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 13 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 171,53 | 1 Австрия шиллинги | 22,88 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 495,19 | 10 Бельгия франки | 78,06 |
| 1 Голландия гульдени | 142,89 | 10 Греция драхмаси | 9,25 |
| 1 Дания кронаси | 42,21 | 1 БАА дирхами | 91,92 |
| 1 АҚШ доллари | 337,60 | 1 Миср фунти | 87,01 |
| 10 Испания песети | 18,92 | 100 Италия лираси | 16,26 |
| 1 Канада доллари | 218,44 | 1 Хитой юани | 40,79 |
| 10 Люксембург франки | 78,06 | 1 Малайзия ринггити | 88,85 |
| 1 Германия маркаси | 161,00 | 1 Польша злотийси | 85,25 |
| 1 СДР | 437,33 | 1000 Туркия лираси | 0,37 |
| 1 Финляндия маркаси | 52,96 | 1 Франция франки | 48,00 |
| 1 Швейцария франки | 204,51 | 1 ЕВРО | 314,88 |
| 10 Жанубий Корея вони | 2,64 | 10 Япония иенаси | 28,03 |
| 1 Россия рубли | 11,80 | 1 Украина гривнаси | 62,26 |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

**ЗАМОН - ИЗЛАНГАННИКИ**

# ФЕРМЕР БЎЛИШ ОСОН ЭМАС,

***-дейди Пахтачи туманидаги "Сарбозор" фермер хўжалиги раиси Шокир Қурбонов.***

-Бобом раҳматли Жума Шодиев 23 йил бригада бошлиғи бўлган эканлар. Онам – Норхол Қурбонова ҳам 19 йил далада ишлаб, жамоага етакчилик қилганлар. Мен бундан фахрланаман. Асл деҳқон авлодидан эканлигим менга ғурур бағишлайди. Сулолани давом эттириб, мен ҳам тумандаги Абдуазиз Оллоёров номли жамоа хўжалигида 14 йил бригадир бўлиб ишладим. Бригадирлик қилган давримда аъзоларимиз билан ҳамжиҳатликда ишлаб, доимо режаларни ортиғи билан бажардик. Афсуски, бу менга ҳам, бригада аъзоларига ҳам моддий жиҳатдан ҳеч қандай наф келтирмади. Жамоа хўжалигидаги "умумий қозон" меҳнатимизни пучга чиқарарди.

Куйиб-ёниб ишлаб, режаларни ошириб бажарсакда, йилни фойда билан якунласакда, қуруқ қолавердик. Режаларни бажармаган, йилни зарар билан якунлаган бошқа қолоқ бригадаларнинг озорини биз ҳам тортардик ва бунга мажбур эдик. Сабаби – жуда оддий. Бригада бошқа-бошқа бўлгани билан жамоа хўжалигининг қозони битта. Аъзоларим олдида айбсиз-айбдор бўлиб юриш жонга тегди. Ариза ёзиб, бригадирликдан воз кечдим.

Кутилмаганда бошқа аъзолар ҳам "Энди биз бригадада ишламаймиз, фермер бўламиз" деган талаб билан чиқишди. Шунда раҳбарлар: "Ҳар қайсингга бир-икки ёки ярим гектар ер бериб, алоҳида-алоҳида фермер қила олмаймиз. Ким қўлидан келса, бутун бригада ерини фермер хўжалиги қилиб олсин" – дейишибди. Бу гапдан кейин собиқ бригада аъзолари менга келишди. Бригадамиз ўрнида ташкил бўладиган фермер хўжалигига раҳбарлик қилишимни сўрашди. Бажонидил рози бўлдим. Чунки, меҳнаткаш аъзолар билан ишлаб кўрган эдим. Уларнинг барчаси самимий, дилкаш ва ўз ишининг усталари эди.

Шундай қилиб, фермерликнинг дастлабки қадами, яъни 2000 йил қурғоқчилигини ва бошқа муаммоларни сабр-бардош ҳамда меҳнат билан енгиб, 50 гектар пахтазордан режадаги 147 тонна ўрнига 230 тонна ҳосил йиғиб олдик. Ҳосилдорлик 29 центнер ўрнига 46,4 центнерни ташкил қилди. Биргина пахтачиликдан 13 миллион 400 минг сўм даромад олдик. Агар 5 миллион 700 минг сўм харажатни бундан чиқариб ташласак, 7 миллион 700 минг сўм соф даромад олдик.

Фермер хўжалигидаги 60 нафар ҳар бир аъзо ойига пахтанинг ўзидан ўн икки ярим минг сўмдан маош олишди. Бошқача айтганда, жамоа хўжалигидан неча йиллардан бери иш ҳақи ололмай, ҳафсаласи пир бўлган одамлар фермерликнинг дастлабки қадамидаёқ унинг афзалликларини англашди.

Бу йил эса туман ҳокими қарорига асосан, ер майдонимиз кенгаядиган бўлди. Биз бундан хурсанд эдик. Афсуски, 78 гектар ер бир жойда, 18 гектар ер эса бошқа жойдан – оралиғи 10 километр узоқликдаги масофадан ажратилди. Бу - аъзоларимизга катта қийинчилик туғдириши табиий. Бизга ажратилган ерни бир жойдан танлашга хўжаликда имконият бор эди. Ишимизга тўсқинлик қилиш, фермерликнинг йўлини тўсиш мақсадидаги бу қитмирликнинг замирида нима ётганини англаб олиш қийин эмас. Хўжалик раҳбарлари фермерликнинг оёғига тушов солиш, унинг режаларини барбод қилиш учун ана шундай "усул" қўллайди.

"Мана фермерлик ўзини оқламади, ишни бажара олмади, жамоа ёки ширкат хўжалиги бўлиб ишлаган маъқул экан" деб айюҳаннос солишларига асос керак. Бундай ҳол бир ҳовуч тўралар учун, боқимандалик кайфиятида юрганларга қўл келади.

Яқинда хўжалик раҳбарлари асосий воситаларни бизга бермасдан фақат унинг қарзини бўйнимизга илишга интилишди. Эмишки, хўжаликка қарз ердан келган. Ерини олдингми, марҳамат қилиб, қарзини ҳам ол. Қонунни яхши билганим боис, талашиб, тортишдим. "Хой барака топкурлар, майли ерни олдим. Шунга яраша хўжалик қарзини ҳам оламан. Лекин, асосий воситалардан ҳам улушимни беринглар" деб талаб қилдим. Шундагина улар бу усул иш бермаганига ишонч ҳосил қилишди.

Айни дамда фермерликка ажратилган ернинг барчасини бир жойдан олиш учун ҳаракат қилаяпман. Яқинда вилоят прокуратурасида фермерлар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда айнан дилимиздаги гаплар айтилди. Мен ҳам юқоридаги каби найранглар ҳақида гапирдим. Вилоят Адлия бошқармаси ходими саволимга ижобий жавоб берди.

Энди эса хўжалик раҳбари билан яна бир масалада талашиб тортишаяпмиз. Хўжаликдан ер олдингиз, энди ипак қурти боқишни ҳам олинг, - дейишмоқда. Ипак қурти боқишдан мен ҳам, аъзоларимиз ҳам қочмаймиз. Бригада бўлган пайтимизда ҳам ҳар йили 13-14 қути қурт уруғини боққанмиз. Лекин, эндиликда икки баравар кўп - 30 қути ипак қуртини боқсин деган талабни қўйиши ажаблантиради, кишини.

Меҳнаткаш аъзоларим билан бундан ҳам кўпроқ ер олиб, унда ишлашнинг, барча соҳаларда кўнгилдагидек ҳосил етиштиришнинг уддасидан чиқамиз, ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қиламиз. Асабларим чарчаса-да, рақобатлашишга тайёрман. Бу гапларимни айтишимдан мақсад мен каби фермерларнинг барчасининг ишида тўсиқ, қийинчилик ва муаммолар кўп. Уларга айтмоқчиманки, ҳалол ишлаяпсизми, асло чўчиманг! Юртбошимиз қўллаб-қувватлаб турибди, биз каби фермерларни. Шундай экан, олдинга интилинг, ортга чекинманг, демоқчиман. Шу билан биргаликда фермерлик ишига тўсқинлик қилаётган юқоридаги тоифадагиларга, феълингизни кенгроқ қилинг, демоқчиман. Истайсизми ёки йўқми фермерлик ҳаракатига йўл беришга мажбурсиз. Замон талаби шундай!

**Суҳбатдош:**
**Ў.ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# "ҚУВАЙТ МЕВАСИ"НИ СОВҒА ҚИЛИШ УЧУН ЧОРСУ БОЗОРИГА!

(Боши 1-бетда)

Ҳатто дўкондорлар ҳам тўлиқ хорижликлар экан. Боднинг, памилдори, тарвуз, олма, нок – Эрондан, апелсин, мандарин, пиёз, картошка – Туркиядан, узум, қовун, манго – Мисрдан, ҳатто Африка билан Лотин Америкасининг кўплаб давлатларидан қандайдир мевалар келтирилар экан. Қувайтнинг эса оддий кўкатлари ҳам йўқ. Умуман, бу ерда "деҳқон" деган иборанинг ва "деҳқончилик" деган тушунчанинг ўзи йўқ, фақат савдогар билан дўкондорни билишади.

Хурмо деярли ҳар бир дўконда бор. Асосан Саудия Арабистони, Миср ва Эроннинг хурмолари. Йигирмаўттиз тури бор. Бир хурмо дўконининг эгаси бизга жуда илтифот кўрсатди: чой узатиб суҳбатга тортди. Эронлик экан. Тошкентданмиз десак ҳайратланди, Ўзбекистонданмиз десак иккиланди, Бухоро... Самарқанд... десак яйраб кетди. Имом Бухорий бобомизнинг номини фахрланиб қайта-қайта тилга олди. Кўзни қамаштириб, харидорнинг ҳавасини келтирадиган хурмоларнинг нархини сўрадик. Хилига ва сифатига қараб бир динордан уч динорғача экан. Бу ўртача 3,5 доллардан 10 долларгача дегани. Қиммат, албатта. Қувайтнинг 770 минг кишилик туб аҳолиси сотиб олиши мумкин, бироқ уларга хизмат қилаётган бир миллион 200 минг кишидан иборат хорижлик фуқаролар бунга қодир эмаслар. Шу боисдан бўлса керак, дўконларнинг олди бўм-бўш, харидор кўринмайди. Жим-житлик бозорга, айниқса, Осиё бозорига ярашмас экан. Бозор ғала-ғовури билан гўзал-да. Эҳ, Сиёб, Чорсу, Олой Осиёда тенгсизсан, дедим ичимда .

Хайрият, бозор ичидаги новвойхонада одамлар гавжум. Юпқа нонлар тандирдан узилишини орзиқиб кутиб туришибди. Бозор бўйича битта новвойхона. Мева-ю сабзавотсиз тирикчилик қилиш мумкин, бироқ нонсиз яшаб бўлмайди. Айтгандай, ун ҳам ўзга юртлардан келтирилади. Ноннинг нархи осмондалиги боиси шундан. Катта маош оладиган туб аҳоли учун бу муаммо эмас. Бироқ хориждан келиб ишлаётганлар учун тирикчилик ўтиши қийин. МДҲ давлатларидан ишлаб пул топиш мақсадида борган ўн нафар ёш йигит самолётда биз билан қайтди. Йигирма кун иссиқ овқат ичмасдан, нонни тежаб-тергаб еб зўрға чидадик, четдан борганларга жуда қийин экан, деди улардан бири. Қувайтда бўлганимизда бундай гапларни филиппинлик, хитойлик, шри-ланкалик хизматчилардан ҳам эшитдик. Ойига 200-300 доллар олишгани билан ҳамма нарса қиммат бўлгани учун бир амаллаб кун кўриб, маошнинг тенг ярмини оилаларига юбориш учун тежаб қолишар экан. Уйига қайтиб кетаётган молдовалик бир хизматчи менга "оиладан узоқда 100 доллар топганимдан кўра, оилада яшаб 50 доллар топганим яхши" деди. Ҳар ерни қилма ҳавас, деганлари шу бўлса керак.

Хуллас, Қувайтнинг мўъжизасини кўрдим: туб аҳоли иззатда, бошқалар эса хизматда. Муҳими бу эмас. "Қора олтин" заҳираси 40-50 йилда тугар экан. Банкдаги пуллар ҳам ҳисобсиз эмас, ўсишнинг сўниши бор. Ҳудуднинг тош-қумлари йиллар ўтиб тупроққа айланиб қолмайди. Демак, мўъжиза умурбоқий эмас. Ана шуларни ўйладим-у, Ўзбекистон тупроғини эслаб Оллоҳга минг бор шукурлар айтдим. Асрлар-у авлодлар оша халқни боққан бу муқаддас тупроқ бундан кейин ҳам боқади. Унумдор тупроқ - туганмас бойлик. Бу бойликни бизга Парвардигорнинг ўзи берди. Уни ҳеч ким тортиб ололмайди ва тош-қумларга ҳам айлантиролмайди.

Самолёт Тошкент аэропортига қўниши билан ҳамма эшитсин деб овоз чиқариб: "Тупроғи зар Ватаним, садағанг кетай!" дедим ва уйдагиларга Қувайт мевасидан совға олиб бориш учун Чорсу бозорига йўл олдим.

**Иброҳим НОРМАТОВ**

# ОЛДИНГИЗДАН ОҚҚАН СУВ...

(Боши 1-бетда)

Фақат бунинг учун, ҳалиги айтганимиздай, жиндай изланиш, ўқув ва қатъиятлилик зарур, холос. Масалан, ҳозир қайси туманга борсангиз, деҳқонларнинг ҳасратидан чанг чиқади. Муаммоларнинг бири-биридан фарқи йўқ – эгизак. Техникалар нобоп, айримлари тамом тўкилиб битган. Эҳтиёт қисм йўқ, топиш анқонинг уруғи. Шу боис ишлар тобора орқага сурилиб кетяпти. Раҳбарларнинг ҳам бошлари қотган.

Эҳтиёт қисмга буюртма берилган, лекин аксарияти омборларда йўқ. Хўш, нима қилиш керак? Хорижий техникаларни-ку, қўяверинг. Лозим бўлган эҳтиёт қисмларнинг четдан келишини кутиш керак. Омборга бораверасан-келаверасан, умринг йўлда ўтади, қанча сарф-харажат, вақт, асаббузар... Бу ёқда деҳқон йўлга интизор. Ер тайёрлаш кечикиб кетяпти, ҳар дақиқаси олтинга тенг, фурсат ўтиб боряпти. Борингки, бир-иккита эҳтиёт қисмни ҳам топдингиз, дейлик. Шунда ҳам бирини ўнга оласиз. Агрегатларнинг униси ё буниси базўр оёққа туради, қолганлари эса ётаверади.

Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалигида ҳам техникаларга эҳтиёт қисм етишмаслик муаммоси бор ва бу муаммо, айтиш мумкинки, жуда долзарб. Аммо, шунга қарамай, бу муаммоларнинг аксариятини вилоятнинг ўзида осонгина ҳал этиш йўллари ҳам бор. Фақат бунинг учун раҳбарлардан озгина эътибор талаб этилади.

-Вилоят қишлоқ хўжалигидаги ишга яроқсиз бўлиб ётган техникаларнинг катта қисмини оёққа турғазиб юборишга тўлиқ имкониятларимиз мавжуд,- дейди Гулистон таъмирлаш машинасозлик заводи бош директори Элгизар Андиржонов. –Ҳақиқатан, мазкур завод қишлоқ хўжалик техника ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш бўйича анча машҳур – гигант корхона ҳисобланади. Бу ерда пўлат ва чўян қуйиш, экскаваторлар ишлаб чиқариш, ўнлаб агрегатларнинг двигателларини ва сув насосларини созлаш цехлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда канализация ашёлари ГРЭСлар учун турли эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Шунингдек, плуглар, чизеллар, турли русумдаги культиваторлар, уларнинг ишчи қисмлари, пол олиш мосламалари - ҳар қандай техника двигателларининг энг зарур ва нозик эҳтиёт қисмлари ҳам тайёрланади. Бош муҳандис Бахтиёр Қосимовнинг ишонч билан таъкидлашича, агар рухсат берилса, ҳатто, хориждан келтирилган Кейс ва Магнум тракторлари учун ҳам камида 80 фоиз эҳтиёт қисмларни тайёрлаш, уларни заводнинг ўзида тўлиқ таъмирлаш имкониятлари ҳам мавжуд экан. Ҳолбуки, вилоятда арзимаган эҳтиёт қисмлар туфайли бундай русумли техникалардан кўплари таъмирталаб бўлиб ётибди. Ўтган йили завод вилоят деҳқонларига 130 та чизел, кўплаб пол олгич механизмларини, культиваторларга ёрдамчи мосламаларни ҳамда ўнлаб плугларни тайёрлаб берди. Бундай хизматлари учун корхона раҳбари Э.Андиржонов "Халқлар дўстлиги ордени"га сазовор бўлди.

Заводда етарлича асбоб-ускуналар, бой ва ноёб ишлаб чиқариш қурилмалари мавжуд. Ҳозир ҳам корхона омборида 30 миллиондан зиёд қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар тайёр ҳолда турибди. Энг муҳими, улар Тошкентдаги омборларда сақланаётган, хориждан келтирилган эҳтиёт қисмлардан сифат жиҳатдан фарқ қилмагани ҳолда 5-10 баробар арзондир. Вилоятдаги маблағи бор хўжаликлардан, ҳатто, бошқа вилоятлардан ҳам келиб завод маҳсулотларини олиб кетишмоқда. Жорий йил учун ҳам вилоятнинг ўзидан 30 дона чизел учун буюртма тушди. Лекин аксарият ҳолларда хўжаликлардан, туман МТПларидан келган вакиллар завод ҳовлисида кўргазмада турган деҳқонлар учун зарур бўлган ўнлаб техника турларини, турли мослама ва эҳтиёт қисмларини фақат томоша қилиб кетишмоқда. Харид қилишга эса маблағлари йўқ. Шусиз ҳам хўжаликлар корхонадан бир неча миллион сўмлаб қарз. Заводда ишлаб чиқарилаётган техника ва эҳтиёт қисмларни бемалол харид қилиш учун эса юқоридан шу ашёлар учун – транш бўйича келаётган маблағларни бевосита корхона ҳисоб рақамига туширишга ҳамма вақт ҳам имкон йўқ. Бунинг учун заводни вилоят ҳокимлигининг қарори билан вилоят "Агромашсервис" корхонаси тасарруфига ўтказиш керак. Корхона жамоаси ҳам бунга қарши эмас. Ана шунда деҳқонларни қийнаб келаётган техника созлиги бўйича барча муаммолар осонгина ҳал бўларди. Ҳозирча эса вилоятда эҳтиёт қисмларни излаш, сарсон-саргардонлик давом этмоқда. Шуни айтадилар-да, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деб.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

